

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК: 338.436.33 (575.1)*

**ТУРОБОВА ҲУЛКАР РУСТАМОВНА**

**Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация  
муносабатларини такомиллаштириш**

**08.00.04-«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти»**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент-2012**

**Диссертация иши Бухоро давлат университетида бажарилган**

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Саматов Гаффор Аллақулович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Умурзаков Ўктам Пардаевич**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Жумаев Отабек Толибович**

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

**Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.**

Автореферат 2012 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби, и.ф.д.**

**Ф.И. Мирзаев**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк ва эркин тадбиркорликка асосланган фермер хўжаликлари шаклланиб, уларнинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни тобора мустақамланиб бормоқда. Хўжалик юритишнинг мазкур шакли тажрибада ўз самарадорлиги, рақобатбардошлиги ва бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларга эга эканлигини намоён эта олди. Республикамизда фермер хўжаликлари сони 2011 йил 1 октябрь ҳолатига 66134 тани ташкил этиб<sup>1</sup>, ўтган йиллар давомида уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигадаги улуши 2000 йилдаги 1,9 фоиздан 2010 йилда 6,5 фоизга етган бўлса, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотигадаги улуши эса мос равишда 5,1 фоиздан 35<sup>2</sup> фоизга ошди.

Фермерликни ривожлантириш мақсадида республикамизда қатор ибратли ишлар амалга оширилишига қарамасдан, фермер ёки деҳқон хўжалиқларининг бевосита ўзларига боғлиқ бўлган айрим муаммолар вужудга келмоқда. Яъни, ер ва сувдан, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш; маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни оптимал режалаштириш; сарф-харажатларни камайитириш ва маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш; илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ресурслар тежовчи технологияларни жорий этиш шулар жумласидандир.

Юқоридаги масалаларни ҳал этиш йўлларида бири уларни турли хил кооперативларга бирлаштиришдир. Фермер хўжаликлари кооперативларга бирлашиш орқали ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга муваффақ бўлишлари мумкин. Кооперация алоқаларини ривожлантириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим йўналишларидан бири қилиб белгиланиши ҳам айтиш мумкин бўлди<sup>3</sup>.

Кооперативлар фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари фойдаланиши мумкин бўлган қатор афзалликларга эга бўлиб, давлат ва хусусий сектор учун харажатларни тежашга ёрдам берувчи ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар манфаатларида иқтисодиётни ташкил этишнинг муқобил шаклидир.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги фермер хўжаликлари ривожланиши билан узвий боғлиқ экан, уларнинг юксалишига имкон берадиган илмий-методологик асосларни шакллантириш, устувор йўналиш сифатида кооперация муносабатларини такомиллаштиришга қаратилиши, бу борада

<sup>1</sup> [www.agro.uz](http://www.agro.uz). Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сайти. О результатах углубления экономических реформ и итогах работы предприятий и организаций Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан по итогам 9 месяцев 2011 года.

<sup>2</sup> [www.agro.uz](http://www.agro.uz). Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сайти. О результатах углубления экономических реформ и итогах работы предприятий и организаций Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан по итогам 2010 года.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Асосий вазирамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 60.



Шу билан бирга, қайд этилган илмий ишларда фермерлик фаолиятини устувор даражада ривожлантиришда кооперация муносабатларининг моҳияти тўлиқ ёритилмаган ёки бу муаммо яхлит ҳолда тадқиқ қилинмаган.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари ва бошқа агросаноат тузилмаларининг кооперация муносабатлари муаммоси алоҳида, мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги мазкур мавзунинг номзодлик диссертацияси иши сифатида танланишига асос бўлди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермерлик фаолиятини устувор даражада ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва кооперация муносабатларини диверсификациялашни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

- эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий-молиявий натижаларини ташкилий омилларга боғлиқлигини аниқлаш ва илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- кооперацияга асосланган инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини ўрганиш;

- фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- кооперация муносабатлари амал қилиши жараёнида фермер хўжаликлари ва инфратузилмалар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш муаммоларини тадқиқ этиш;

- қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти.** Фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолияти тадқиқот объекти ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети.** Фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар тадқиқот предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотлар жараёнида илмий мушоҳада, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш усулларидан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси.** Фермер хўжаликлари ер майдонлари мақбуллашуви ва ишлаб чиқариш ҳажми ошиши шароитида кооперация

муносабатларини ривожлантиришга оид тадқиқот натижалари улар фаолиятини барқарорлаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- кооперация муносабатлари жумладан, кооперативларнинг бошқа турдош хўжаликлардан фарқли, ўзига хос хусусиятлари аниқланди;

- пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари рентабеллик даражаси ва ялпи харажатга пахта ва ғалла ҳосилдорлиги таъсир даражаси аниқланди. Унга кўра, пахта ҳосилдорлиги гектарига бир центнерга оширилиши хўжаликларнинг рентабеллик даражасини 1,88 фоизга ошириши, ҳамда ғалла ҳосилдорлиги гектарига бир центнерга оширилиши харажатларни 11067,6 млн. сўмга ўсиши, пахта ҳосилдорлиги эса 23287,6 млн. сўмга камайтириши мумкинлиги аниқланди;

- фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш йўналишлари асосланган. Пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари экин майдонларининг мақбул варианты фойдани максималлаштириш ёки самаранинг камайиб бориш қонуни ҳамда «рентабеллик остонаси» орқали аниқлаш мумкинлиги исботланди;

- иқтисодий модернизиациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш йўналишлари аниқланди. Симплекс жадвал усули орқали пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларида уларнинг экин майдони (788 га)нинг 438 гектарига пахта, 308 гектарига ғалла, 42 гектарига эса беда экилганда кооперативнинг фойдаси 343,7 млн. сўмни ташкил этиши, агар пахта-ғалла-беда экинлари майдони нисбатини 481,3-0-295,7 гектарни ташкил этса, унинг фойдаси 423,44 млн. сўмга етказиш мумкинлиги аниқланди;

- диверсификациялашган кооперативда ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқланган. Унга кўра, кооперативда харажатлар ер майдонларидан биргаликда фойдаланиш натижасида 6,3 фоизга, техникадан биргаликда фойдаланиш натижасида 1,5 фоизга камайдди. Меҳнат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш натижасида эса ишчиларнинг йиллик иш ҳақиси 2,5 баробарга ошиши аниқланди;

- фермер хўжаликлари ўзаро кооперациявий ҳамкорлик асосида фаолият юритса, уларнинг алоҳида фаолиятидан кўра самарали бўлиши аниқланди, яъни, рентабеллик даражаси 19 фоизга, сотиш рентабеллиги тўққиз фоизга, хусусий капитал даромадлилиги 18,3 фоизга, жами активлар даромадлилиги саккиз фоизга ҳамда синергетик самарадорлик кўрсаткичи 388 минг сўмга ошиши исботланган.

#### **Ишнинг илмий янгилиги:**

- иқтисодий модернизиациялаш шароитида агросаноат мажмуида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилган;

- регрессион-корреляцион таҳлил натижасида фермер хўжаликларида пахта ва ғалла ҳосилдорлиги рентабеллик даражаси ва ялпи харажатга таъсир даражаси аниқланган.

- фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш самарадорлиги фойдани максималлаштириш ва «рентабеллик оstonаси» орқали ҳисоблаш мумкинлиги исботланган;

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш йўналишлари ва даражасини аниқлашда симплекс жадвал усулидан фойдаланиш тавсия этилган;

- қишлоқ хўжалигида диверсификациялашган кооперативлар ташкил этишнинг иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган;

- фермерликни кооперация муносабатлари орқали ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги сотиш рентабеллиги, хусусий капитал даромадлилиги, жами активлар даромадлилиги ҳамда синергетик самарадорлик кўрсаткичлари орқали баҳоланиши тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларини **илмий аҳамияти** шундаки, олинган натижалар, умумий хулосалар ва тавсиялар иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида кооперация муносабатларининг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, келажакда мазкур йўналишни кенг кўламда тизимли ва изчил ривожлантириш муаммоларини чуқур ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот ишларида фойдаланиш билан белгиланади.

Диссертация ишининг **амалий аҳамияти**, тадқиқот ишининг амалий тавсияларидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кооперация муносабатларини ташкил этишга масъул бўлган вазирликлар ва ташкилотлар томонидан давлатнинг мақсадли дастурлари, ҳукумат қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертациянинг илмий хулоса ва амалий тавсиялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (2010 йил 29 сентябрдаги далолатнома) ва Бухоро вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (2011 йил 28 декабрдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот материалларидан Бухоро давлат университетида (2010 йил 2 сентябрдаги маълумотнома) «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари: «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши» (Тошкент, 2008), «Истеъдодли ёшлар-фан технологиялар тараққиёти» (Бухоро, 2008), «Towards a knowledge economy in Central Asia. 4-

th annual conference proceedings» (WIUT, 2008), «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари», (Тошкент, 2008), «Аграр иқтисодиёт тармоқларида кооперация жараёнини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» (Тошкент, 2008), «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш» (Тошкент, 2009), «Двадцать вторые международные плехановские чтения» (Москва, 2009), «Социально-экологические проблемы развития интеграционных процессов в условиях глобализация экономики» (Москва, 2009), «Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики» (Москва, 2009), «Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари ва таъсирини бартараф этишнинг минтакавий хусусиятлари» (Бухоро, 2009), «Қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини ошириш муаммолари» (Бухоро, 2009), «Инқироз сабоқлари ва глобал таҳдидлар шароитида иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели» (Тошкент, 2010), «Двадцать четвертые международные плехановские чтения» (Москва, 2011), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аграр тармоқ рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари» (Тошкент, 2011) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Бухоро давлат университети иқтисодиёт кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари иккита рисола, 20 та мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 146 бетни ташкил этиб, унда 27 жадвал, 12 та расм ва 13 та иловалар келтирилган.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар етакчи ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш-тайёрлаш ва ташиш-қайта ишлаш-сотиш бўғинлари доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати бузилиши ва нобудгарчилигининг олдини олиш йўллари излаш тармоқда қўшилган қиймат яратиш имкониятларини кенгайтиради. Бу агросаноат мажмуаси иштирокчилари ўртасидаги ўзаро кооперациянинг самарали ташкил этилишига боғлиқдир.

Носоғлом рақобат ва монопол ҳолатларнинг мавжудлигидан энг кўп зарар кўрувчи тармоқ – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Жаҳон амалиётида муваффақиятли фаолият юритаётган турли хилдаги кооперативлар аграр соҳага тегишли бўлган муаммоларни ечиш дастакларидан бирига айланган.

Собиқ иттифоқ шароитида кооператив тамойилларига колхозлаштириш жараёни билан битта тоифадаги масала сифатида қаралиб келинди. Ушбу тамойиллар ўзининг аҳамиятини йўқотиб борди, совхозлар ва колхозлар ҳам амалда давлат мулкига айлантирилди. Кооперация бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ифодаловчи тузилма бўлиб, ушбу соҳа иштирокчилари томонидан ихтиёрийлик тамойили асосида амалга оширилади.

Диссертацияда таклиф этилаётган кооперация муносабатлари олдинги жамоа хўжаликлари (колхоз) ва ширкат хўжаликларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Кооперативнинг турдош корхоналардан фарқли жиҳатлари<sup>9</sup>**

Корхоналарнинг шартлари	Жамоа хўжаликлари	Ширкат хўжаликлари	Кооператив хўжаликлар
Юридик шахс мақсадига қараб	Тижорат	Тижорат	Нотижорат
Солиққа тортилиши	Корхона	Корхона	Ҳар бир аъзолар
Даромаднинг тақсимланиши	Ташкилотга	Ташкилот ва пайчиларга	Пайчиларга
Бошқарув тузилмаси	Раис	Раис	Кооператив аъзолари умумий йиғилиши
Аъзоларнинг корхона фаолиятидаги иштироки	Меҳнати билан	Меҳнати ва пай бадали билан	Иқтисодий мустақиллиги сақланиб, фақат пай бадали билан
Ташкилот ва аъзоларнинг ўзаро муносабати	Ишчи	Ишчи ва қисман мулкдор	Мулкдор
Мулкчилик шакли	Давлат	Жамоа мулки	Жамоа мулки яъни, кооператив мулк

Кооператив (лот. ҳамкорлик) – маҳсулотни ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва сотиш, товар ёки хизматларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш, уйлар қуриш ва эксплуатация қилиш ва бошқа иштирокчи шахслар бирлашмасидир. Кооператив<sup>10</sup> – ихтиёрий ташаббускор ва ўзини-ўзи бошқарувчи жамоат ташкилоти бўлиб, ўз олдига аъзоларининг ҳаёт ва меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадини кўяди ва жамоа (гуруҳ) мулкига асосланган корхона шаклида ижтимоий-оммавий фаолият кўрсатиш билан бирга юридик шахс сифатида ҳаракат қилади.

<sup>9</sup>Манба: муаллиф томонидан тузилган.

<sup>10</sup>Вахитов К.И. Кооперация: теория, история, практика. – Москва, 2006. – С.30.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, уларни қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар ўртасида кооперация муносабатларини ташкил этиш муҳим масалалардан биридир. Кооперация муносабатлари асосан пахта ва ғалла етиштирувчи фермерлар ўртасида ташкил этилиши қуйидаги сабабларга кўра юқори самара беради:

- маълумки, пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликларга катта миқдорда имтиёзли маблағлар ажратилади. Агар пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликлар ўзаро кооперацияга бирлашсалар, уларнинг самарадорлиги ошади ва ресурсларнинг маълум бир қисми қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига яъни чорвачилик, мева-сабзавотчилик, қорақўлчилик ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга жалб этилиши мумкин;

- пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликларнинг айланма маблағларга бўлган талабини фақат 60 фоизи имтиёзли кредитлар ҳисобидан қопланади. Ушбу хўжаликлар айланма маблағларнинг қолган қисмини ўз ресурслари ҳисобидан тўлдириши лозим. Кўпчилик хўжаликларнинг ҳозирги иқтисодий ҳолатига назар ташланса, бу имконият уларда анча чекланганлигини кузатиш мумкин;

- таҳлиллар кўрсатишича, фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарали ташкил этишлари учун зарур бўлган асосий воситалар билан нисбатан кам таъминланган.

Ҳозирда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, хусусан, пахта экиладиган майдонларнинг қисқариб бориши, ички ва ташқи бозорларда пахта хом-ашёсига бўлган талабнинг тобора ортиб бориши шароитида ушбу маҳсулот миқдорини талаб даражасида етиштириш учун янги юқори технологияларни қўллаш, тармоқни ривожлантириш, сарфланаётган ресурслар бирлиги ҳисобига олинаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, тармоқ самарадорлигини, пировард натижада эса пахта етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро вилоятида пахта етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили бу ерда мазкур кўрсаткичлар йилдан-йилга ўзгариб борганини кўрсатди. Яъни, пахта майдонлари 2010 йилга келиб, 1997 йилга нисбатан 2,5 фоизга ошди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида эса, пахта майдонлари 2010 йилда 2008 йилга нисбатан тўрт фоиз камайтирилди. Вилоятда пахта етиштириш харажатлари ошиб бориши, ўртача ҳосилдорлик эса, пасайиш тенденцияга эга эканлигини кузатишимиз мумкин, яъни, 2003 йилда ҳосилдорлик 29,0 ц/га бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 28,2 ц/гектарга тушган. 2-жадвалда вилоятда фермер хўжаликлари етиштираётган дон маҳсулотлари ҳосилдорлиги ошиб борган ҳолда, аксинча, рентабеллик даражаси пасайиб бораётганини кузатиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари рентабеллик даражасига пахта ва ғалла етиштириш бўйича ҳосилдорликни таъсирини ўрганиш мақсадида регрессион-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Таҳлил бир неча босқичда олиб борилди.

**Бухоро вилояти фермер хўжаликларининг регрессион-корреляцион таҳлили учун натижа ва омил белги сифатида танлаб олинган кўрсаткичлари**<sup>11</sup>

Йиллар	Рентабеллик даражаси, %	Жами харажат, млн. сўм	Дон ҳосилдорлиги, ц/га	Пахта ҳосилдорлиги, ц/га
2003	26,7	27340	47,5	29
2004	27,3	56903	51,5	30,6
2005	31	86600	58,5	31,2
2006	28	129911	59,9	29,4
2007	28	159934	59,8	30,3
2008	19,1	170189	54,3	25,8
2009	22,6	183589	56,9	26,8
2010	25	231600	57,1	28,2

Биринчи босқичда Бухоро вилоятидаги пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари рентабеллик даражаси ўзгаришига пахта ва ғалла ҳосилдорлигини таъсири ўрганилиб қуйидаги моделга эришилди:

$$y = -32,04 + 0,077x_1 + 1,85x_2 \quad (1)$$

бунда,  $x_1$ -ғалла ҳосилдорлиги,  $x_2$ -пахта ҳосилдорлиги.

Демак, ғалла ҳосилдорлиги гектарига бир центнерга оширилгани вилоятдаги фермер хўжаликларининг рентабеллик даражаси 0,07 фоиз, пахта ҳосилдорлиги гектарига бир центнерга оширилгани эса, рентабеллик даражаси 1,85 фоизга ошишига сабаб бўлган. Таҳлил натижасига кўра  $t_1=0,77$ ,  $t_2=8,2$ ,  $R^2=0,93$ .

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, пахта ҳосилдорлиги фермер хўжаликларининг рентабеллик даражаси ўзгаришида муҳим ҳисобланади. Шунинг учун кейинги босқичда нисбатан муҳимлиги паст бўлган ғалла ҳосилдорлиги даражаси инобатга олиниб, таҳлилни давом эттириб, қуйидаги моделга эга бўламиз (2-модел):

$$y = -28,3 + 1,88x_1 \quad (2)$$

бунда,  $x_1$  - пахта ҳосилдорлиги.

Демак, пахтачилик ва ғаллачилик фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлигининг гектарига бир центнерга оширилиши рентабеллик даражасини 1,88 фоизга оширган. Таҳлил натижаларига асосланиб, рентабеллик даражаси ўзгаришига пахта ва ғалла ҳосилдорлиги таъсирига боғлиқлиги 92 фоиз эканлигини қайд этиш мумкин.

Иккинчи босқичда натижавий белги сифатида фермер хўжаликлари жами харажати, омил белгисига эса пахта ва ғалланинг ҳосилдорлиги олинди (2-жадвал) ҳамда қуйидаги моделга эга бўлдик:

$$y = 187731,0 + 11067,6 x_1 - 23287,6 x_2 \quad (3)$$

бунда,  $x_1$ - ғалла ҳосилдорлиги,  $x_2$ -пахта ҳосилдорлиги.

<sup>11</sup> Жадвал Бухоро вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Моделга асосланиб қуйидаги хулосага келиш мумкин, яъни, ғалла ҳосилдорлиги гектарига бир центнерга оширилиши фермер хўжаликлари харажати 11067,6 млн. сўмга кўпайтирган ва пахта ҳосилдорлигининг гектарига бир центнерга оширилиши эса харажатни 23287,6 млн. сўмга камайтирган. Таҳлил натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, вилоятдаги жами харажатлар ўзгаришига пахта ва ғалла ҳосилдорлиги ўзгариши 77,8 фоиз боғлиқ бўлган. Бунда пахта ҳосилдорлиги ва дон ҳосилдорлиги харажатлар ўзгаришида муҳим ҳисобланади. Таҳлил натижаларига кўра,  $t_1=3,28$ ,  $t_2=-2,99$ ,  $R^2=0,77$  га тенгдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, келажакда пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари рентабеллик даражасини ошириш учун энг аввало, пахта ҳосилдорлигини оширишга эришиш зарур, деган хулоса чиқариш мумкин. Пахта ҳосилдорлигини гектарига бир центнерга оширилиши эса, жами харажатлар 23287,6 млн. сўмга камайишига олиб келишини инобатга олиш лозим.

Вилоятда пахта ҳосилдорлигини туманлар бўйича таҳлил қилиш асосида Жондор, Ромитан, Қоровулбозор туманларида ҳосилдорлик 2009 йилда 2005 йилга нисбатан 26-28 фоизгача камайиб кетганлигини кўриш мумкин.

Хулосалар аниқлигини ошириш мақсадида вилоятдаги пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги ўзгаришига харажатлар таъсирини ўрганиш мақсадида регрессион-корреляцион таҳлил давом эттирилди. Таҳлилнинг омилли белгилари сифатида пахта етиштиришда бир гектарга сарфланган иш ҳақи, минерал ўғит, ёқилғи ва уруғлик харажатлари олинди (3-жадвал).

Минерал ўғитларнинг ҳосилдорлик ўзгаришидаги иштироки ўта муҳим бўлмаганлиги сабабли, кейинги босқичларда бу омил ҳисобга олинмади.

### 3-жадвал

#### Жондор туманидаги фермер хўжаликларида ўтказилган регрессион-корреляцион таҳлил натижалари, натижавий омил- ҳосилдорлик (y)

Фермер хўжаликлари	Озод ҳад	Ёқилғи- $x_1$	Уруғлик- $x_2$	Иш ҳақи- $x_3$	$R^2$
Ҳотамтой	40,1		<b>-0,27</b>	0,008	0,96
Бозоробод	34,1		<b>-1,04</b>	<b>0,066</b>	0,94
Ҳасанобод	1) 34,8		<b>2,56</b>	<b>-0,16</b>	0,91
	2) 16,3	<b>-0,12</b>	<b>1,59</b>		0,81
Нуриддин Қаҳҳор	18,9	<b>0,44</b>	<b>-1,43</b>		0,88
Муҳаммад Жондорий	2,30		<b>0,15</b>	0,06	0,85
Орзибобо	24,03	0,011	-0,189		0,18
Чамангулбиби	9,8	0,01	0,04		0,63
Шамсия опа	5,52	-0,03	<b>0,38</b>		0,74

Бу ерда, у-натижавий омил-ҳосилдорлик, ц/га.

Пахтачилик хўжаликларида яъни, Ҳотамтой, Бозоробод, Ҳасанобод ва Муҳаммад Жондорий фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги

Ўзгаришига уруғлик ва иш ҳақи харажатлари таъсири юқори ва муҳим ҳисобланган бўлса, Шамсия опа, Нуриддин Қаҳҳор фермер хўжаликларида ёқилғи ва уруғлик харажатлари аҳамиятли бўлди.

Ҳотамтой, Бозоробод, Нуриддин Қаҳҳор фермер хўжаликларида пахтачилик учун уруғлик сарф-харажатлари ошиши ҳосилдорлик камайишига сабаб бўлган бўлса, иш ҳақига қилинган харажат эса уни оширган. Ҳасанобод (-0,12) ва Нуриддин Қаҳҳор (0,44) хўжаликларида ҳосилдорлик ўзгаришида ёқилғининг аҳамияти катта бўлган.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аксарият хўжаликларда уруғлик учун сарф қилинган харажатлар пахта ҳосилдорлиги пасайишига сабаб бўлган. Бу эса, хўжаликлар оладиган даромад ва рентабеллик даражаси пасайишига ва уларнинг молиявий, иқтисодий ҳолати ёмонлашишига олиб келади.

Хўжаликларда фойданинг ўсиш суръатларини максималлаштириш вазифасини ҳал этиш жараёнида ўзгарувчан, доимий харажатлар ўсиши ёки камайишидан фойдаланишимиз, уларга боғлиқ равишда фойданинг неча фоизга ўсишини ҳисоблаб топиш мумкин. Бундан ташқари, турлича майдонли хўжаликларда «хавфсизлик остонаси» қайси нуқтада бўлишини билишимиз зарур ҳисобланади. Бунинг учун «рентабеллик остонаси»дан фойдаланишимиз мумкин.

$$PO = \frac{DX}{H\dot{X}PH} \quad (4)^{12}$$

Бу ерда, PO - «рентабеллик остонаси», DX - доимий харажатлар, H\dot{X}PH - нисбий ифодадаги ўзгарувчан харажатлар тиклангандан сўнгги реализация натижаси.

#### 4-жадвал

#### Фермер хўжалигида «рентабеллик остонаси»ни аниқлаш учун берилган маълумотлар

Майдон, га	Доимий харажатлар, млн. сўм	Ўзгарувчан харажатлар, млн. сўм	Даромад, млн. сўм	Ўзгарувчан харажатлар қопланганидан сўнг, реализация натижаси	«Рентабеллик остонаси», млн. сўм
25	72	19	51	0,62	116
50	72	38	102,4	0,63	114
75	108	57,4	144	0,60	180
<b>100</b>	<b>108</b>	<b>61,3</b>	<b>205</b>	<b>0,70</b>	<b>154</b>
125	108	94	256	0,63	171
150	145	102,3	307	0,67	216
175	145	132,5	358	0,63	230
200	145	152	409,6	0,63	230

Тадқиқотларимиз натижасида хўжаликлар самарали, барқарор фаолият кўрсатиши учун уларнинг техникага бўлган талаби тўла қондирилиши зарур деган хулосага келиш мумкин. Акс ҳолда, уларнинг самарали ишлаши қийинлашади. Пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган

<sup>12</sup> Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. - Т.: «Академия», 1999. — Б. 90-92.

фермер хўжаликлари экин майдонлари 100 гектардан ортиқ бўлиши керак. Шундагина хўжаликлар зарарсиз ишлаши, харажатларини қоплаши, молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши мумкин. Хўжаликларнинг асосий воситаларга бўлган талаби тўла ҳисобга олинган ҳолда, 25, 50, 75 гектар майдонга эга бўлган хўжаликларда олинган тушум билан сарфланган доимий ва ўзгарувчан харажатларни қоплаш имконияти бўлмайди.

Фермер хўжаликлари янада самарали фаолият кўрсатиши учун улар фаолиятини диверсификациялаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Хўжаликлар кооперативга бирлашиб, фаолиятлари диверсификацияланса, унинг самарадорлиги янада ошади. Бунда интенсив диверсификациялаш, яъни, хўжаликларнинг бор имкониятларидан самарали фойдаланиб, юқори фойдага эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Диверсификациялаш самарадорлиги фермер хўжаликлари (кооператив) фаолиятида таҳлил қилинди. Фермер хўжаликлари (таҳлил учун танлаб олинган хўжаликлар сони тўққизта) жами экин майдони 788 гектар, шундан 480 гектар ер майдонида пахта, 308 гектарда ғалла етиштириб келинган. Диверсификациялаш самарадорлигини ҳисоблашда фермер хўжаликларининг 2010 йилги иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланилди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Фермер хўжаликлари (кооператив) фаолиятининг алоҳида ва бирлашгандаги диверсификациялаш кўрсаткичлари<sup>13</sup>

Маҳсулотлар	Даромад, млн. сўм		Харажат, млн. сўм		Фойда, млн. сўм	
	Алоҳида бўлганда, 2010 йил	Бирлашганда	Алоҳида бўлганда, 2010 йил	Бирлашганда	Алоҳида бўлганда, 2010 йил	Бирлашганда
Пахта	333,23	517,6	314,6	467,6	18,6	50
Ғалла	153,27	153,26	131,6	131,25	22	22
Гўшт	-	1750,0	-	1478,7	-	271,28
Жами	486,5	1670,86	445,85	1327,2	40,6	343,68

Фермер хўжаликлар фаолиятини бирлаштирган (кооперативлар) диверсификациялашган икки хил ҳолати тадқиқ қилинди.

Биринчи ҳолат: ер майдонлари миқдори оптималлаштирилгандан сўнг, вилоятда пахта майдонлари камайтирилганлигини ҳисобга олиб, кооперативга бирлашувчи хўжаликлар пахта майдони ҳам тўққиз фоизга камайтирилса, у 438 гектарни ташкил қилади. Пахтадан бўшаган 42 гектар майдонга беда экилиб, қорамолчилик йўлга қўйилган тақдирда, беда майдонидан 308,7 озуқа бирлиги олинади. Пахта майдонидан 307 озуқа бирлиги (438 га) ва ғалла майдонидан (308 га) жами 340 озуқа бирлиги олиш мумкин бўлади. Жами 955,7 озуқа бирлиги билан бир йилда 707 та қорамолни боқиш ва 125 тонна соф гўшт маҳсулоти етиштириш мумкин. Гўштни сотишдан 1750 млн. сўм (125 тонна х 14000 сўм) даромад олиш мумкин. Юқоридаги озуқа бирлигини тайёрлаш учун 40320 минг сўм ва 707

<sup>13</sup> Манба: 2010 йил маълумотлари асосидаги муаллиф ишланмаси.

мол сотиб олиш ҳамда сақлаш харажатлари жами 1478,7 млн. сўмни ташкил қилади.

5-жадвалдан кўришиб турибдики, пахта, ғалла ва беда экинлари экилиши туфайли аввалгига нисбатан кўп фойда олиш мумкин экан.

Кооперативда аралаш маҳсулотлар ишлаб чиқариб, яъни пахта, ғалла ва беда алмашлаб экиш натижасида ернинг унумдорлиги ошади ва минерал ўғитлар сарфи камаяди. Юқоридаги алмашлаб экишни йўлга қўйиш орқали, 60 млн. сўмлик<sup>14</sup> минерал ўғит харажатларини олти фоизга тежаш мумкин.

Бунинг натижасида пахтанинг ўртача ҳосилдорлигини 13,4 центнердан 20 центнерга ошириш мумкин. Мутахассислар фикрича, алмашлаб экиш натижасида биргина пахта ҳосилдорлигини 7-10 центнерга ошириш мумкин<sup>15</sup> экан.

Натижада, оптималлаштиришдан кейинги пахтага бўлган (638,1 тонна) давлат буюртмасини 319 гектар ер майдонида етиштирилган ҳосил билан бажариш мумкин. Ёки кооператив 438 гектар пахтадан 560 млн. сўм даромад олиши мумкин. Фойда эса, 92 млн. сўмни ташкил қилади. Ғалладан ҳам ҳосилдорлик ошиши ва минерал ўғитлар тежалиши эвазига фойда 22 млн. сўмдан 35,9 млн. сўмга кўпаяди.

Юқорида қайд этилганларни асослаш мақсадида кооператив учта экиндан қайси бирини қанча майдонга экса, максимал фойда олиши мумкинлигини математик моделлаштириш услуги бўйича ҳисоблашга аниқлик киритилди.

Бу масалани ечиш учун  $n$  ўлчовли чизиқли дастурлаштириш масаласини ечиш талаб қилинади.

Бу усул чекланиш шартлари тенгламалар системаси шаклида берилган чизиқли дастурлаш масалаларини ечиш учун қўлланилади:

$$\sum_{j=1}^n c_j x_j \quad (5)$$

Функциянинг чекланиш тенгламалари системаси

$$\sum_{j=1}^n a_j x_j = b_j \quad (6)$$

$x \geq 0$ ,  $i=1, m$  ни қаноатлантирадиган максимумни симплекс усули билан топамиз. Мақсадли функция қуйидагича бўлади,

$$b_j = 564x_1 + 283x_2 + 514x_3 \quad (7)$$

<sup>14</sup>Муаллиф томонидан фермер хўжаликлари маълумотлари асосида аниқланган.

<sup>15</sup>Ёрматов Д. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги асослари // Дарслик. — Т.: «Ўзбекистон», 2002. — Б.213-231.

яъни, бунда,  $x_1$ -пахта,  $x_2$ -ғалла,  $x_3$ -беда.

Масала «Simplexwin 3.1» дастури ёрдамида ечилди. Унда куйидаги натижалар олинди.

$$X_1=481,3, X_2=0, X_3=295,7$$

$$b_j= 423442.3 \text{ минг сўм.}$$

Демак, пахта 481,3 гектарга, ғаллани 0 гектарга ва беда 295,7 гектарга экилса, кооператив максимал даражада фойда олиши мумкин экан, бунда фойда миқдори 423,44 млн. сўм бўлади. Агар ғалла майдони бир гектарга оширилса, фойда икки минг сўмга камаяди.

Иккинчи ҳолат: кооператив пахта ва беда етиштириб сотса, 423,44 млн. сўм фойда олади, агар пахтадан қолган ғўзапоя (қайта ишлаш асосида дағал хашак олинади) ва бедадан олинган хашак ҳисобига гўшт етиштирилса, 759,5 млн. сўм фойда ва пахта сотишдан 272 млн. сўм, жами 1031,5 млн. сўм фойда олиши мумкин экан.

## 6-жадвал

### Диверсификациялашнинг иккинчи ҳолати натижалари

Кўрсаткичлар	Пахта	Гўшт	Жами
Даромад, млн. сўм	868,3	1972,95	2838,75
Харажат, млн. сўм	596,8	1213	1809,8
Фойда, млн. сўм	272	759,9	1031,5

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва барқарорлаштириш ҳамда юқорида таъкидланган тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилар фаолиятидаги муаммоларни кооперациянинг самарали турларини ташкил қилиш орқали хал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этиш куйидаги босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ яъни, кооперативлар ва уларнинг афзалликлари, ривожланган давлатлардаги кооперативларнинг илғор тажрибалари, уларнинг ишлаш механизмлари тўғрисида фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, инфратузилма ташкилотлари, тайёрлов ташкилотлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ўртасида семинар-тренинглари, суҳбатлар, ўқув курслари ташкил этиш; фермер ва деҳқон хўжаликлари, инфратузилма ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари ҳамда бошқа субъектлар билан бирга кооперативлар тузиш мақсадида ташаббускор гуруҳлар тузилиб, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш лозим бўлади. Гуруҳлар томонидан кооперативнинг устави ва таъсис шартномаси тузилиб, давлат органларидан руйхатдан ўтказилади.

Жахон амалиёти тажрибасидан маълумки, кооперативлар интеграциявий алоқаларига кўра горизонтал ва вертикал бўлади. Бизнингча, булар қаторига диверсификациялашган кооперативларни қўшиш мумкин. Кооперативлар фаолияти самарали ва аъзолари манфаатдорлиги янада юқори бўлиши учун диверсификациялашган кооперативлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Диверсификациялашган кооперативлар – бир хил турдаги ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро моддий-техника, молия-кредит,

хизмат кўрсатиш, консалтинг ва бошқа хизмат турлари кўрсатиш бўйича ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлардир.

Қишлоқ хўжалик кооперацияларининг фаолияти кўп тармоқли бўлиши самарали ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик кооперациясини ишлаб чиқариш, унга хизмат кўрсатиш, хўжаликларни молиялаш, қайта ишлаш ва уни сотишга ихтисослаштириш яъни, диверсификациялашган кооперативлар ташкил этиш зарур бўлади. Кооперативларнинг ташкилий тузилиши қуйидагича бўлиши таклиф этилди (1-расм).



1-расм. Диверсификациялашган кооперативнинг бошқарув тузилмаси<sup>16</sup>

Кооперативга ҳудуд жиҳатдан яқин бўлган хўжаликлар ихтиёрий равишда бирлашишлари мумкин, унга фермер хўжаликларидан ташқари, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар ҳам аъзо бўлишлари мумкин.

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

**Диверсификациялашган кооперативнинг ишлаш механизмини куйидаги тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.** Диверсификациялашган кооперативнинг умумий йиғилиши кооператив бошқарувини тайинлайди. Кооператив бошқарувига обрўли аъзолар тайинланади. Уларнинг сони 4-5 кишидан иборат бўлиб, улар кооперативдаги директор ва бўлимлар фаолиятини назорат қилиб боради. Назорат органига холис киши яъни, ташқаридан қабул қилиниши керак. Кооперативга фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўз улушлари билан аъзо бўлиб киришлари мумкин. Улуш миқдори яъни, пай бадали кооператив устави билан белгиланиши керак. Кооперативдан чиқишда ёки ҳайдалишда пай бадалининг 20 фоизи ушлаб қолиниши керак. Кооперативда даромаддан улуш олиш фойдаланилган хомашё ва материаллар, хизматлардан фойдаланиш миқдорига ва қўшилган улушга қараб тақсимланиши керак. Фойданинг 50 фоизи кооперативни келажакда молиялашга қолдирилади. Қолган 50 фоизи ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимланади. Пахта ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш мақсадида, пахтачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва агротехник тадбирларнинг кўплигини ҳамда уларнинг техникадан кўп фойдаланишини инобатга олиб, пахта етиштирувчиларга тақсимланадиган фойданинг 55 фоизини, ғалла етиштирувчиларга 35 фоизини, озуқа экинлари етиштирувчиларга 15 фоизини тақсимлаш керак, деб ҳисоблаймиз.

Кооперативда ресурслардан фойдаланиш тартиби эса куйидагича бўлиши мумкин:

*Ер майдонларидан биргаликда фойдаланиш тартиби:* кооперативга бирлаштириш мақсад қилиб олинган хўжаликлар ер майдонлари (жами 788 гектар) уч қисмга бўлинади. Унга пахта-ғалла-беда етиштирилишини мўлжаллаб, ерларнинг алмашлаб экишнинг 7 далали схемаси асосида амалга оширилади. Хўжаликлар кооперативга бирлашсагина, алмашлаб экишни самарали йўлга қўйиш мумкин. Алмашлаб экиш натижасида минерал ўғит сарфланадиган 72 млн. сўмдан ортиқ маблағ<sup>17</sup> яъни, 6,3 % маблағ тежаб қолинади.

*Меҳнат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш тартиби:* кооперативга бирлаштириш мўлжалланган хўжаликларда жами 285 нафар киши меҳнат қилади. Диверсификациялашган кооператив шу ишчиларни доимий яъни, йил давомида иш билан банд қилишнинг яхши имкониятидир. Хўжаликларда 285 ишчининг йиллик даромади 312,8 минг сўмни ташкил қилган. Хўжаликлар кооперацияси фаолиятида алмашлаб экиш ташкил этилиб, диверсификацияланганидан кейин ишчиларнинг йиллик даромади 791 минг сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда яъни, 2,5 баробарга ошиши мумкин. Ишчилар эса йил давомида иш билан банд бўлади.

*Техникадан биргаликда фойдаланиш тартиби:* хўжаликларнинг пай бадаллари ва мулки юзасидан тўлиқ техника билан таъминланиши кўзда тутилади. Фермер хўжаликлари кооперацияга бирлашиши орқали ишлаб

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

чиқариш фаолияти тўла механизациялаштиришга эришилади. Кооперацияга бирлашувчи хўжаликларда бир мавсумда пахта ҳосили машинада терилганда 6381 ц ҳосил 4 та машинада 16 кунда йиғиб олиниб, 25 млн. сўм харажат қилинади. Шу ҳосилни қўлда 22 кунда териблиб, 42 млн. сўм харажат қилинади. Таҳлиллар натижасида пахта ҳосили машинада терилганда 17 млн. сўм яъни, 1,5 фоиз<sup>18</sup> маблағ тежалиши мумкин.

*Молиявий ресурслардан фойдаланиш тартиби:* кооперативда йиғилган ва жалб қилинган маблағлар юзасидан хўжаликларнинг айланма маблағларга бўлган талаби қондирилиши керак. Пул маблағлари эвазига минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилувчи воситалар, ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, чорва моллари учун дори-дармонлар ва бошқа айланма маблағлар сотиб олиш мумкин.

Кооперативга бирлашишдан олдин бир гектар учун жалб қилинган харажатларнинг рентабеллик даражаси тўққиз фоиз бўлган бўлса, биринчи ҳолат қўлланилганида рентабеллик даражаси 28 фоиз бўлади, иккинчи ҳолат қўлланилганда эса 56,9 фоизга етиши мумкин.

## 7-жадвал

### Кооперативнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1-ҳолат		2-ҳолат	
	Алоҳида, 2010 йил	кооперативда	алоҳида, 2010	кооперативда
Бир гектарга харажат, минг сўм	565	1557	565	2297
Бир гектардан фойда, минг сўм	51	439	51	1309
Рентабеллик даражаси, %	9	28	9	56,9

Хўжаликлар кооперацияга бирлашганда алоҳида фаолият юритганидан кўра юқори натижаларга эришади.

$$K > \Phi_1 + \Phi_2 + \Phi_3 + \Phi_n \dots \quad (8)$$

Фаолият юритишнинг синергетик самарадорлиги қуйидагича бўлади.

$$ССС = K\Phi - (A\Phi_1 + A\Phi_2 + \dots + A\Phi_n) \quad (9)^{19}$$

ССС- синергетик самарадорлик суммаси;

KΦ- кооперативнинг фойдаси;

AΦ- алоҳида хўжаликларнинг фойдаси.

Биринчи ҳолатда:  $ССС = 439 - 51 = 388$  минг сўм,

Иккинчи ҳолатда:  $ССС = 1306 - 51 = 1258$  минг сўм.

Демак, хўжаликлар кооперацияга бирлашганда юқори манфаат кўриши мумкин экан. Агар кооперацияга бирлашишда ҳам иккинчи ҳолат қўлланилса, кооперациянинг фаолияти янада юксалади. Кооперативнинг фойдалилик коэффициентлари ҳам ошишига эришилади. Кооперативда алоҳида фаолият юритганга нисбатан сотиш рентабеллиги тўққиз фоизга,

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>19</sup> Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. – Киев, 2000. Изд. «Ника-Центр». – С. 372.

хусусий капитал даромадлилиги 18,3 фоизга, жами капитал даромадлилиги эса саккиз фоизга ошади.

Иккинчи йўналишдаги қишлоқ хўжалик кооперативлар аъзоларига хизмат кўрсатиш билан бирга, улар етиштирган маҳсулотни қайта ишлаши ва сотиши мумкин. Кооперативга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи субъектлар ҳам аъзо бўлишлари мумкин. Кооператив таркибидаги қайта ишлаш цехида аъзо хўжаликлар ва аҳоли етиштирган гўшт ва сут маҳсулотлари қайта ишланади ва сотиш билан шуғулланади. Унда ҳар бир гектардан олинаётган фойда миқдори юқори бўлади.

## ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** олинди:

1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари салоҳиятини ошириш, харажатлар даражасини камайтириш ва ниҳоят, улар самарадорлигини ошириш учун кооперация муносабатларини янги ижтимоий - иқтисодий реалликдан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ҳамда ривожлантириш талаб этилади. Кооперация муносабатлари кўп тизимлилик ва ўзаро боғлиқликни тақозо этади. Шунинг учун аграр тармоқда кооперация муносабатларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишда тизимли-иерархик ёндошувни қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди ва бутун тадқиқот жараёнида бунга амал қилинди.

2. Кооперативда ихтисослаштирилган хизматлар ташкил этилиши харажатлар ва хом-ашё ресурслари йўқотилишини қисқартириш, маҳсулот сифатини сақлаб қолишга имкон беради. Кооперациялаш жараёнида интеграциялашган ишлаб чиқаришнинг мувофиқлаштирилган тузилмаси шаклланиши туфайли ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг нафақат ўрни ва роли, балки, уларнинг ўзаро муносабатлари механизмини аниқлаш зарур бўлади. Улар кооперацияланувчи субъектларга ҳамкорликдаги кооператив фаолиятдан даромад олишнинг тенг имкониятларини бериши ва хом-ашё базаси ҳамда қайта ишлаш, ишлаб чиқариш самарали ривожланиши учун шароитлар яратиши керак. Кооперация тузилмасининг у ёки бу соҳасини ривожлантириш бўйича комплекс вазифанинг методик ечими унинг ишлаш механизмини ишлаб чиқиш билан таъминланиши керак.

3. Бухоро вилоятида пахта етиштириш кўрсаткичлари ва харажатлари йилдан-йилга ошиб борган, лекин, ўртача ҳосилдорлик ва рентабеллик даражаси йилдан-йилга тушиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Вилоят пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларида ғалла ва пахта ҳосилдорлигининг уларни рентабеллик даражасига таъсири регрессион-корреляцион таҳлил ёрдамида ўрганилди. Таҳлил натижасига кўра, пахтачилик ва ғаллачилик фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлигини гектарига бир центнерга оширилиши рентабеллик даражасини 1,88 фоизга оширади. Ғалла ҳосилдорлигини гектарига бир центнерга оширилиши эса, фермер хўжаликлари харажатларини 10048,5 млн. сўмга оширган ва пахта

ҳосилдорлигининг гектарига бир центнерга кўпайтрилиши эса, харажатларни 23287,6 млн. сўмга камайтирган.

Тадқиқот натижаларига кўра, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермерликни истиқболда устувор ривожлантиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Кооперациявий фаолият шароитида инфратузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши тавсия этилади: инфратузилма шохобчалари молияланишида давлатнинг ролини ошириш; инфратузилмаларни ташкил этишда маҳаллий инвесторлардан фойдаланишни кучайтириш механизмларини ишлаб чиқиш; давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган пахта ва ғалланинг харид нархларини мақбуллаштириш; инфратузилма шохобчалари моддий-техника базасини мустақкамлаш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш, шу билан бирга, ўзини-ўзи молиялаш мақсадида турли кредит кооперативлари ва ўзаро кредитлаш жамиятлари ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратиш; инфратузилма объектларини туманлар бўйича фермерларга хизмат кўрсатувчи кооперативларга бирлаштириш орқали улар хизматини марказлашган тизимга келтириш янада самаралироқ бўлади.

2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш, саноат ва аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, ҳамда мулкдорлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида хўжаликлар фаолиятини интенсив диверсификациялаш мақсадга мувофиқдир. Диверсификациялаш натижасида хўжаликларнинг самарадорлик кўрсаткичлари: асосий воситалардан фойдаланиш, иш билан бандлик, ҳосилдорлик, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш даражаси оширилишига эришилади. Кооперативга бирлаштирилаётган майдондан максимал даражада фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар математик моделлаштириш усуллари орқали асосланди ва қуйидаги натижага эришиш мумкинлиги аниқланди: пахта-ғаллага ихтисослаштирилганда ундан олинган максимал фойда 40,6 млн. сўмни ташкил қилади. Кооперативни пахта-ғалла-беда-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганда эса, максимал фойда 346,28 млн. сўмни ташкил қилади. Агар кооперативни пахта-беда-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилса, у оладиган максимал фойда 1031 млн. сўмни ташкил қилади. Учинчи ҳолатда ғалла майдонини бир гектарга ошириш фойдани икки минг сўмга камайтиради. Тадқиқотларимиз натижасига таянган ҳолда, айтиш мумкинки, пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликларда улар фаолиятини пахта-беда ёки ғалла-бедага ихтисослаштириш лозим бўлади.

3. Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, пахта ҳосилдорлигини гектарига бир центнерга ошириш пахта ва ғаллага ихтисослашган хўжаликларнинг рентабеллик даражасини 1,88 фоизга, яъни, бошқача қилиб айтганда, уларнинг фойдасини қўшимча 4354 млн. сўмга оширади. Пахта ва ғаллага ихтисослашган хўжаликларда пахта ҳосилдорлигини ошириш учун

эса, иш ҳақи харажатларини ошириш ва уруғлик харажати камайтириш талаб этилади.

4. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, бу соҳада хорижий тажрибалар ўрганилган ҳолда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ўртасида самарали кооперация турларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, қишлоқ хўжалигида диверсификациялашган кооператив ташкил этилиши зарур.

5. Кооперацияга бирлашиш орқали корхоналар ўз молиявий ва моддий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилади. Тадқиқотларимиз натижасида қишлоқ хўжалик кооперативига бирлашувчи хўжаликлар иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари алоҳида фаолият юритишдагига қараганда юқори натижаларга эришиш мумкинлиги исботланди.

Тадқиқот объекти бўлган кооператив фаолиятининг синергетик самарадорлиги суммаси 338 минг сўмни ташкил этди. Диверсификациялашни самарали ташкил этиш натижасида эса, синергетик самарадорлик суммаси 1258 минг сўмни ташкил қилади. Кооперативда маблағлар ер ресурсларидан биргаликда фойдаланиш натижасида 6,3 фоизга, техникадан биргаликда фойдаланиш натижасида эса 1,5 фоизга тежаллади. Меҳнат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш натижасида ишчиларнинг иш ҳақлари 2,5 мартага ошиши аниқланди. Кооперативнинг фойдалилик коэффицентлари яъни, сотиш рентабеллиги тўққиз фоизга, хусусий капитал даромадлилиги 18,3 фоизга, жами активлар даромадлилиги эса саккиз фоизга ошади.

### ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Туробова Ҳ.Р. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда кооперациянинг роли. – Бухоро: «Дурдона», нашриёти, 2011. – 56 б.
2. Шамсутдинов Т.Ш., Туробова Ҳ.Р. Фермерликни ташкиллаштириш – қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий омили // БухДУ илмий ахборотномаси. – Бухоро, 2007. - № 4. – Б. 33-36.
3. Туробова Ҳ.Р. Фермер хўжаликларини молиявий таъминотидаги муаммолар // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: 2008. –Б. 226-228.
4. Туробова Ҳ.Р. Фермер хўжаликлари ҳажмини барқарорлаштириш – ривожланиш омили // Towards a knowledge economy in Central Asia. – Т.: 2008. – P.78-83.
5. Туробова Ҳ.Р. Бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш фермерликни устувор ривожлантириш омили // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: 2008. – Б. 291-293.
6. Таирова М., Туробова Х. Кооперация как важный фактор хранения и переработки сельскохозяйственной продукции // Аграр иқтисодиёт тармоқларида кооперация жараёнини ривожлантиришнинг асосий

йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т.: 2008. – Б. 60-62.

7. Туробова Ҳ.Р., Болтаева Ш.Б. Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг муҳим асоси // Иқтисодий эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: 2009. – Б. 207-209.

8. Туробова Х.Р. Особенности кредитной кооперации в сельском хозяйстве // Двадцать вторые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. – М.: 2009. – С. 529-530.

9. Туробова Ҳ.Р. Фермер хўжаликларида шартномавий муносабатлар бажарилиши даражасининг улар фаолияти самарадорлигига таъсири // Иқтисод ва таълим. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 29.

10. Туробова Х.Р., Кодиров А.А. Источник обеспечения финансовой стабильности сельскохозяйственных предприятий // Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики. Сборник научных трудов. – М.: 2009. – С. 220-222.

11. Саматов Ф.А., Туробова Ҳ.Р. Фермер хўжаликларининг ривожланиши ва шаклланиши // Агроилм. – Тошкент, 2009. – № 3. – Б. 68.

12. Туробова Ҳ., Зоҳидов А. Агроозиқ-овқат мажмуида инновацион технологияларни қўллаш // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: 2010. – Б. 211-213.

13. Туробова Ҳ.Р. Қишлоқ хўжалиги кооперацияларини ташкил этиш – даврнинг талаби // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – Б.

14. Туробова Ҳ.Р. Пахтачилик фермер хўжаликларида харажатлар таҳлили // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2010. – № 12. – Б. 21-23.

15. Туробова Ҳ.Р. Фермер хўжаликларини барқарорлаштириш омили // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2011. – № 6. – Б. 37.

16. Туробова Ҳ.Р., Аминов Ж. Инфратузилмаларни такомиллаштириш йўналишлари // Агроилм. – Тошкент, 2011. – Б. 63-64.

17. Туробова Ҳ., Абдуллаев А. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг иқтисодий-математик таҳлили // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аграр тармоқ рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари – Т.: 2011. – Б.175-177.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Туробова Хулкар  
Рустамовнанинг 08.00.04-«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» ихтисослиги  
бўйича «**Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация  
муносабатларини такомиллаштириш**» мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** фермер хўжалиги, кооперация, қишлоқ хўжалиги, инновация, интеграция, мақбуллаштириш, инфратузилма, диверсификация, корреляция, синергетик самарадорлик.

**Тадқиқот объектлари:** фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолияти.

**Тадқиқот мақсади:** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** илмий мушоҳада, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида агросаноат мажмуида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилган; регрессион-корреляцион таҳлил натижасида фермер хўжаликларида пахта ва ғалла ҳосилдорлигини рентабеллик даражаси ва ялпи харажатга таъсир даражаси аниқланган; иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш самарадорлиги фойдасини максималлаштириш ва «рентабеллик оstonаси» орқали ҳисоблаш мумкинлиги исботланган; фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификациялаш йўналишлари ва даражасини аниқлашда симплекс жадвал усулидан фойдаланиш тавсия этилган; қишлоқ хўжалигида диверсификацияланган кооператив ташкил этишнинг иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган; фермерликни кооперация муносабатлари орқали ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги сотиш рентабеллиги, хусусий капитал даромадлиги, жами активлар даромадлиги ва синергетик самарадорлик кўрсаткичлари орқали баҳоланиши тавсия этилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ишининг амалий тавсияларидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кооперация муносабатларини ташкил этишга масъул бўлган вазирликлар ва ташкилотлар томонидан давлатнинг мақсадли дастурлари, ҳукумат қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш билан белгиланади. Диссертация ишининг ғоялари ва материаллари олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида кенг кўламда қўлланилиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (2010 йил 29 сентябрдаги далолатнома) ва Бухоро вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (2011 йил 28 декабрдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан Бухоро давлат университетида (2010 йил 2 сентябрдаги маълумотнома) «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, фермер хўжаликлари, агросаноат мажмуи корхоналари, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Туробовой Хулкар Рустамовны на тему:  
**«Совершенствование кооперативных отношений в приоритетном развитии фермерства», представленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – «Экономика сельского хозяйства»**

**Ключевые слова:** фермерское хозяйство, кооперация, сельское хозяйство, инновация, интеграция, оптимизация, инфраструктура, диверсификация, корреляция, синергетическая эффективность.

**Объекты исследования:** деятельность фермерских хозяйств и обслуживающие их инфраструктурные предприятия.

**Цель исследования:** разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на совершенствование кооперативных отношений при приоритетном развитии фермерства в условиях модернизации экономики.

**Методы исследования:** научное мышление, экономико-математическое моделирование, экспертные оценки, монографическое изучение.

**Полученные результаты и их новизна:** разработаны теоретические основы развития кооперативных отношений в агропромышленном комплексе в условиях модернизации экономики; выявлены уровни рентабельности урожайности хлопка и зерна и валовых затрат в фермерских хозяйствах по результатам регрессионно-корреляционного анализа; обоснована максимизация выгоды эффективности оптимизации земельных участков фермерских хозяйств в условиях модернизации экономики и возможность их вычисления через «рентабельный подход»; предложено использование применения симплексной таблицы при определении уровня и способов диверсификации в деятельности фермерских хозяйств; разработаны экономические механизмы в организации диверсификационного кооператива в сельском хозяйстве; посредством показателей синергетической эффективности предложена оценка доходов общих активов, частного капитала, развития экономической эффективности рентабельности продаж с помощью кооперативных отношений в фермерстве.

**Практическая значимость:** практические рекомендации диссертационного исследования послужат для разработки решений правительства, государственных целевых программ министерствами и предприятиями, ответственными за организацию кооперативных отношений и развитие фермерских хозяйств. Основные идеи и материалы исследования могут быть широко применены в процессе обучения в вузах.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** разработанные в ходе исследования научные предложения и практические рекомендации приняты для внедрения в практику Министерством сельского и водного хозяйства (акт от 29.09.2010 г.). Материалы исследования применяются при совершенствовании учебных программ «Экономика агропромышленного комплекса», «Экономика сельского хозяйства» и в процессе обучения в Бухарском государственном университете (справка от 02.09.2010 г.).

**Область применения:** Министерство сельского и водного хозяйства, фермерские хозяйства, хозяйствующие субъекты агропромышленного комплекса, высшие учебные заведения.

## RESUME

**Thesis of Turobova Hulkar Rustamovna on the scientific degree of the candidate of economic sciences on speciality 08.00.04 – “Economics of agro-industrial complex”, subject: “Perfection of cooperative relations in the strategic development of farming”.**

**Key words:** farming, cooperation, agriculture, innovation, integration, optimization, infrastructure, diversification, correlation, synergetic effectiveness.

**Subjects of research:** The object of the research is an activity of farmings and infrastructure enterprises serving them.

**Purpose of work:** developing of scientific proposals and practical recommendations, aimed at improving of cooperative relationship in the development of farming in the conditions of economic modernization.

**Methods of research:** Methods of scientific thinking, economic-mathematic modelling, expert evaluation, monographic studies were widely used in the research.

**The results obtained and their novelty:** scientific bases in the development of cooperative relations in agroenterprises in the conditions of economic modernization were developed; level of impact on financial results of cotton and grain yield in farmings on the results of the regression-correlation analysis was revealed; to maximize the benefits of optimization efficiency of ground area in farmings in the conditions of cooperative relationships as well as ability to calculate a cost-effective approach were founded; the use of a simplex table to determine the level and means of diversification activity in farmings in terms of cooperative relations was proposed; the economic mechanisms in the organization of diversified cooperative in agriculture were developed; proposed evaluation by synergetic performance indicators of income total assets, private equity, development of cost-effectiveness return on sales through cooperative relationships of farmings.

**Practical value:** practical proposals of the research can be used for the development of Government orders, state target programs of enterprises and ministries responsible for the organization of cooperative relations and the development of farmings. The main idea of the research can be used in research papers related to the industry and in the process of teaching in higher education.

**Degree of embed and economic effectivity:** Some results of the research were accepted for introduction by the Ministry of agriculture and water management (from 29.09.2010) can be used at perfection of curriculums on subjects “Economics of agroindustrial complex”, “Economics of agriculture” as well as at training at Bukhara state university (registered in 02.09.2010).

**Field of application:** the Ministry of agriculture and water management, farmings, agroindustrial complex entities, higher educational institutions.

**Тадқиқотчи:** \_\_\_\_\_

